Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 239 (21. 105) 1991 йил 11 декабрь чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

«КОНТИНЕНТАЛЬ ГРЕЙН» ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Континенталь Грейн» Америка корпорациясининг шу корпорация Президенти Дональд Стахели бошчилигидаги делегацияни 10 декабрь куни қабул қилди. Делегация таркибида турли мамлакатларда жойлашган ва корпорацияга кирувчи йирик фирмаларнинг раҳбарлари бор. Делегация республикамизга иқтисодий масалалар юзасидан турли идоралар билан музокаралар олиб бориш учун келган.

Президент ҳузурида бўлиб ўтган қизғин суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг корпорация билан савдо — иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга доир кўпгина муаммолар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида шу куни бўлиб ўтган музокараларнинг сермаҳсул бўлганлиги таъкидланди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

«Континенталь Грейн» вакиллари олдин ҳам республикамизда бўлган, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлларини муҳокама қилган эдилар. Ёзда халқаро майдонда савдо битимлари тузиш учун корпорацияга Ўзбекистон пахтаси туркумини ажратиш тўғрисидаги протокол имзоланган эди. Д. Стахели республика амалий шериклари га қимматбаҳо хом ашёнинг бир қисмини етказиб берганлигини айтиб ўтди. Бу эса муносабатлар ишчанлик негизига қурилганига ишонч бағишлайди. Келгуси йилда ва кейинчалик ҳам маҳсулот етказиб бериш давом эттирилади.

Ўз навбатида корпорация Ўзбекистонга кўп миқдорда буғдой, пахта тозалаш ускуналари етказиб бермоқчи, товуқ, гўшти етиштиришни, жинси тайёрлашни ташкил этишни, шунингдек, имконият га қараб жинси газламадан болалар ва спорт кийимлари ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчи бўляпти, шунингдек мева ва сабзавотларни қайта ишлаш масалаларини ҳал қилишга кўмаклашмоқчи.

Музокараларда бу қадар кенг миқёсли иқтисодий алоқаларни таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шу муносабат билан хом ашё ва маҳсулотларни ташишни ташкил этиш, мутахассисларни ўқитиш, техника муаммоларини ҳал қилиш лозим бўлади. Корпорация Ўзбекистондаги фаолиятини мувофиқлаштириш, қўшма корхона ташкил этиш учун Тошкентда корпорациянинг қароргоҳини очиш мўлжалланди. «Континенталь Грейн»нинг ишбилармонлик фаолияти учун Тошкентда қулай шарт-шароит яратилиши таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, давлат савдо ва ташқи алоқалар комитетининг раиси У. Т. Султонов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

• Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Бироқ Ховос районидаги «Ховос» давлат хўжалиги меҳнаткашлари бу сўзни айтишга ҳали эрта, дейишмоқда.

Аввало, ушбу хўжалик ҳақида икки оғиз сўз. Совхоз ер майдони 56 минг гектар, шундан ҳайдаладигани 20 минг гектар бўлиб, лалмикорга жойлашган. Тупроғи унумдор, бинобарин ҳосилдорлик яхши йиллари даромад ҳам кам бўлмайди. Бироқ ўтган икки йил хўжалик меҳнаткашлари учун оғир келди. Деярлик ҳосил бўлмади. Қурғоқчиликдан, сув етишмаслигидан экинларнинг катта қисми қовжираб қолди.

Ачинарлиси, оқар сувлар йўқлиги туфайли каттакатта боғлар, узумзорлар бутунлай қуриб боряпти. Йирик, шоҳли чорва моллари ва қўйлар сони 15—20 баравага камаймоқда. Бунинг устига тоза ичимлик сув етишмайди. Аҳоли ичимлик сув ивлаб ҳам қийналмоқда.

Тўғри, илгари қўшни Тожикистон жумҳуриятининг Ўратепа райони ҳудудидаги ер ости булоқларидан ва Шаҳристон сойидан ховосликларга анча сув келиб турарди. Бироқ кейинги пайтда булоқ сувларининг катта қисми Қорасоқол сув омборига буриб қўйилди. Натижада бу тарафдаги аҳоли об-ҳаёт танқислигига дучор бўлиб қолди. Сирасини айтганда, Шаҳристон сойидан секундига 360 литрга яқин сув ховосликларга берилаяпти, холос. Совхоз сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик мақсадида ўз ҳудудида лоток ариқлар қурган. Лекин қўшни жумҳуриятда лотоклар қурилиши тўхтаб қолган. Шу боис хўжаликка келгунча сувнинг ярми қум ариқларга сингиб кетяпти.

Албатта, сувсиз яшаб бўлмайди. Ховосликлар сув таъминоти масаласини яхшилашни илтимос қилиб кирмаган жойлари, бормаган идоралари қолмади ҳисоб. Бироқ аҳолининг кўп йиллик ҳақли талабларига мутасадди ташкилотларнинг айрим раҳбарлари: «Хўжалигингизнинг маблағи бўлса, талабингизни амалга ошириш мумкин» дейишди. Совхозда сув танқислиги оқибатида ҳосилнинг тайини бўлмаса, маблағни қаердан олиш мумкинлиги ҳақида эса улар ўйлаб кўришмади. Тўғриси, ахийри бўлмади. Одамлар мадад истаб жумҳурият Президенти ҳузурига боришди. Ҳукумат раҳбари ёрдам беражагини айтди.

Тез орада жумҳурият ҳукуматининг Ховос зонаси муаммоларини ҳал этиш борасидаги 325-сонли қарори қабул қилинди. Унда Сирдарё вилоятидаги «Ховос», Тимирязев номли, «Иваново» совхозлари аҳолиси ва ерларини барқарор сув билан таъминлаш мақсадида Сирдарёдан насос станцияси орқали сув чиқариш. Қизил массиви сув ресурслари лимитидан фойдаланган ҳолда 3600 гектар майдонда боғ ва узумзорлар барпо этиш кўзда тутилди. Объект қурилиши бўйича буюртмачи этиб Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги; насос станцияси, босимли қувур ўтказиш ва ер ўзлаштириш бўйича бош пудратчи этиб эса Ўзбекистон Республикаси давлат сув хўжалиги қурилиши комитети белгиланди. Умуман, ушбу қарор асосида кўпгина лойиҳалаш ва илмий текшириш институтлари, вазирликлар, тегишли идора ва ташкилотларга бу муҳим ишни тезроқ амалга ошириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Хуллас, муаммони ҳал қилиш йўлидаги дастлабки қадам қўйилди.

Мутахассислар ҳисоблаб чиқишди: Ховос зонасининг сув таъминоти, аҳолининг ижтимоий-маиший ҳаётини яхшилаш учун 130 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиши, 50 километр масофадаги сув иншооти қурилишини эса 1995 йилларга бориб тугаллаш мумкин экан.

Гапнинг рости, объект қурилиши ҳозирча бир маромда боряпти. Тегишли вазирликлар қурувчилар ҳолидан хабардор бўлиб туришибди. Лекин ҳозирча дейишимизнинг сабаби бор. Негаки, таъминот масаласи оғир. Бир қурилиш материали келса, иккинчиси топилмаяпти. Шу боис, бу ишга сафарбар қилинган жамики ташкилотлар ва айниқса қурувчилар ҳамжиҳатлик билан ишлашлари зарур.

Агар бу муҳим иншоот қурилиши поёнига етказилса, Тянь-Шань тоғларининг этагида жойлашган Ховос замини хазиналари дарвозаси кенг очилади. Бу деганим — минглаб гектар боғроғлар, узумзорлар бунёдга келади, чорвачилик ривожланади. Бу минтақада каттакичик корхоналар қуриш мўлжалланган. Демак, одамларни иш билан таъминлаш муаммоси ҳам бора-бора ечимини топади. Ховосда янги қўрғонлар қад кўтариб, одамларнинг турмуши чирой очади.

Лекин бир нарсани ёддан чиқармаслик керак, Сирдарё суви юқори қишлоқларга қувурлар билан олиб чиқилгунга қадар камида 4—5 йил бор. Хўш, бугун-эрта ҳаёт кечириш қандай бўлади? Ҳовлисидаги ягона бойлиги — узум ва сабзавотни бир йилда бир марта ҳам суғора олмаган, сигирини суғориш учун 5—6 километрлик масофадан эшакда сув ташиётган деҳқоннинг қийинчиликларини бугунги кунда ким ечади? Менимча, оғир вазиятни ҳисобга олиб Тожикистондаги дўстларимиз билан сув масаласида яна бир марта дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида баҳамжиҳат келишиб олиш керак. Зотан, Ховосда сув танқислигидан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш чорасини топа олмаётган юзлаб кишилар, айниқса ёшлар ишсиз юришибди.

Дарвоқе, шундай бир шароитда жумҳурият енгил саноат уюшмаси Баланд-чақирдаги енгил саноат корхонаси филиалини қуришни, Маҳаллий саноат ва Бинокорлик саноати материаллари вазирликлари эса қўшимча ишчи жойлари, мўъжаз корхоналарни ташкил этишни пайсалга солишмоқда.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси бу ҳақда шу йилнинг 25 январь сонида «Ишчи қўллар қадрига етяпмизми?» сарлавҳали мақолада кескин танқидий фикрлар билдирганди. Бироқ мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу ердаги аҳволни яхшилашга шошилишмаяпти. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ховосда қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ҳақидаги жумҳурият Президенти Фармонига деярли эътибор берилгани йўқ. Бу нарса маҳаллий раҳбарларга нисбатан ховосликлар кўнглидаги умид чироқларининг ҳиралашувига олиб келмоқда. Эндиликда умид чироқларининг сўнишига йўл қўймаслик, одамлар ишончини оқлаш лозим. Зотан, ишонч йўқолган жойда, силжиш, қолаверса ўзгариш ясаш қийин.

Турғун ЖАМОЛОВ,
Сирдарё вилояти.

29 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ОНА ИСТАГИ

Очиғини айтсам, ҳозирги мураккаб иқтисодий қийинчиликлар даврида турмуш ўртоғим Қаҳрамон Ҳакимов билан олган маошимиз оиламиз аъзоларини (12 фарзандни тарбиялаяпмиз), боқиш, кийим-кечак билан таъминлаш имконини бермайди. Жумҳуриятимизда кам таъминланган кўп болали оилаларга бир қадар ғамхўрликлар кўрсатилаётганлиги туфайлигина рўзғорни учма-уч тебратиб турибмиз. Жумладан, балоғатга етмаган ўғил-қизларимиз учун ойига 400 сўм нафақа оляпмиз. Бундан ташқари ҳисоблаб кўрсак, болаларга кийим-кечак харид қилиш учун бир йилда 560 сўм қўшимча пул бериларкан.

Президентимиз И. А. Каримовнинг бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, қишлоқда яшовчи оилаларга 100 килограммдан буғдой бериш ҳақидаги фармонлари ҳам биз каби кўп болали оилаларга кўрсатилган яна бир ғамхўрликдир. Демоқчиманки, жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти мустақил республикамиз халқини иқтисодий танглик жараёнидан олиб чиқиш, осойишталикни сақлаш борасида тадбиркорлик кўрсатмоқда. Бу фикримни Президентнинг ёшларни ҳарбий хизматга жалб этиш, давлат таъминотида бўлганларга мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон лари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайлигина ана шундай халқчил ҳужжатлар қабул қилиш имконини туғиляпти. Шундай экан, бугунги кунда биз оналар жумҳуриятимиз барча фуқароларини бир ёқадан бош чиқариб, аҳил бўлиб мустақилликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишларини истаймиз. Мен ўзим каби минглаб кўп болали оналар жумҳурият Президенти сайлови кунида ҳайрли ишларини қатъий давом эттираётган Ислом Каримов номзодини қўллаб овоз беришларини истардим.

Фотима ҲАМИДОВА,
Қаҳрамон она. Фориш райони.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

МОСКВА, 9 декабрь. (ТАСС). Бу ерда СССР Президентининг қуйидаги баёноти тарқатилди:

1991 йил 8 декабрь куни Минскда Беларусь, РСФСР ва Украина раҳбарлари мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этиш тўғрисида битим туздилар.

Мамлакат Президенти сифатида мен учун бу ҳужжат фуқароларнинг хавфсизлиги манфаатларига, ҳозирги тангликни бартараф этиш, давлатчиликни сақлаб қолиш ва демократик ўзгартишларни давом эттириш вазифаларига нақадар мос келиши унга баҳо беришда бош мезон бўлади.

Бу битимнинг ижобий жиҳатлари бор.

Унда кейинги вақтларда шартномавий жараёнда фаоллик кўрсатмаётган Украина раҳбарияти қатнашди.

Ҳужжатда келишиб олинган қоидалар асосида, ягона валюта ва молия — банк тизими шароитида амал қиладиган яхлит иқтисодий маконни вужудга келтириш зарурлиги таъкидланади. Илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишга тайёрлик изҳор этилади. Ҳарбий стратегия соҳасида ўзаро алоқа қилишнинг муайян қоидаси таклиф қилинади.

Аммо у ўз аҳамиятига кўра мамлакатимиз халқларининг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларига ғоят чуқур дахл қиладиган ҳужжат эканлиги сабабли унга ҳар томонлама сиёсий ва ҳуқуқий баҳо берилиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам мен учун қуйидагилар равшан: битимда ССР Иттифоқи ўз фаолиятини тўхтатиши тўғридан-тўғри эълон қилинади. Ҳар бир республика Иттифоқдан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги шубҳасиз, аммо кўп миллатли давлатнинг тақдири уч республика раҳбарларининг хоҳиш-иродаси билан белгиланиши мумкин эмас. Бу масала барча суверен давлатлар иштирокида ва уларда ги халқларнинг хоҳиш-иродасини эътиборга олиб, конституциявий йўл билан гина ҳал қилиниши керак.

Умумиттифоқ ҳуқуқий меъёрларининг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги баёнот ҳам ғайриқонуний ва хатарлидир, бу ҳол жамиятдаги тартибсизлик ва бош-бошдоқликни кучайтириши мумкин холос.

Ҳужжат шошилоқлик билан юзага келганлиги таажжублидир. У республикаларнинг аҳолиси томонидан ҳам, Олий Кенгашлари томонидан ҳам муҳокама қилинмай, уларнинг номидан имзоланди. Бунинг устига мазкур воқеа СССР Давлат кенгаши томонидан ишлаб чиқилган суверен давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси республикаларнинг парламентларида муҳокама қилинаётган бир пайтда содир бўлди.

Вужудга келган вазиятда барча республикаларнинг Олий Кенгашлари ва СССР Олий Кенгаши мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ҳам, шунингдек Минскда тузилган битимни ҳам муҳокама қилишлари зарурлигига ишончим комил. Чунки битимда давлатчиликнинг бошқача қоидаси таклиф этилмоқда, бу иш СССР халқ депутатлари съездининг ваколатига киради. Шу сабабли бундай съездни чақириш зарур. Бундан ташқари мен мазкур масала юзасидан умумхалқ референдуми (овоз бериши) ўтказилишини ҳам истисно қилмайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

ШОШИЛИНЧ ХАБАР

ҲАММАНИНГ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАШ КЕРАК

Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу воқеа бошқа республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда кенг меҳнаткашлар орасида ҳар-хил фикрларни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда шу масала хусусида ўз фикрини айтди.

— Бу шартнома инқилобий тусдадир, деб ҳисоблайди Президент. 1922 йилда ССР Иттифоқини тузган уч республика раҳбарларининг тўпланганлиги мақбул ишдир. Лекин нима учун уч славян республикаси бирлашгани бўрттириб таъкидланаётганлигини тушиниб бўлмайди. Агар сўнгги вақтгача мавжуд бўлган Иттифоқнинг уч муассиси тўпланди, дейилганда эди, бу ҳам миллий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан тўғри бўларди. Бақарти Минскда имзоланган бу ҳужжатда Иттифоқ янгитдан тузилмоқда, унга қўшилишни хоҳлаганлар, тезроқ ўйланглар, чунки республикаларнинг мутлақо янги ҳамжамиятини барпо этяпмиз деб аниқ ва равшан айтишганида эди, бу славян республикаларининг иттифоқи деб таъкидлашмаганида эди, жуда соз бўларди.

Бирлашган армия, қўшма иқтисодий макон, уч республиканинг биргаликдаги валютаси — булар нимани билдиради? Мен бу масалаларни шарҳлашни хоҳламайман, чунки вақти соати етгани йўқ. Аввало, шу республикаларнинг раҳбарларидан тегишли ахборотни олиш лозим. Шундан кейингина ҳулоса чиқариш керак. Бу масалалар қўшимча равишда идроклашни талаб қилади. Бу соҳада етти марта ўлчамай туриб узилкесил кесиб ташлаш мумкин эмас. Шу уч республикада яшаётганларни эмас, балки ҳамманинг тақдирини ўйлаш керак.

• Деҳқончилик саноати хабарлари

ЯХШИ ИШЛАГАН ЯХШИ ЯШАЙДИ

● «ПРОЛЕТАРОБОД» ихтисослаштирилган бўрдоқичилик хўжалиги меҳнатчиларига қиш бошланиши биланоқ уларнинг овқатига ҳар куни 5 сўмдан пул берилмоқда. Бундан ташқари хўжалик ўз меҳнатчиларига ойига 150 сўмдан компенсация тўлаяпти.

Бу ерда бошқа ижтимоий енгилликлар ҳам бор. Масалан, давлат хўжалиги ишчиларининг болалари учун боғчага пул тўланмайди. Хўжаликда деярли ҳар ойда уй тўйлари ўтмоқда. Бу йил 40 оила қулай коттежлардан квартира олди.

Буларнинг ҳаммаси корхона барқарор ишлаб фойда олаётганлигининг натижасидир. Бўрдоқичилик хўжалиги меҳнатчилари ноябрь ойидаёқ 2150 тонна гўшт топшириб, йиллик режа топшириқларини уддаладилар. Йил охиригача яна 350 тонна гўшт топширилади. Ҳамма участкаларда ишнинг пухта ташкил этилганлиги, ишларни механизациялаш даражасининг юқорилиги ва чорвадорлар маҳорати ана шу муваффақиятларнинг негизидир. Чунончи, хўжалигинг энг яхши бригадаларида бўрдоқига боқиш муддатида ҳар бир қўйнинг 10 килограмм ўрнига 20 килограмм семиришига эришилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

МУНОСИБ НОМЗОД

Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни жамоасининг митинги бўлиб ўтди. Унда ўқитувчи ва талабалар И. А. Каримов номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатилганидан алоҳида қониқиш ҳосил қилганликларини айтдилар.

— 29 декабрь куни сайловда мен Ислом Каримов учун овоз бераман, — деди Ўзбекистон халқ ноиби, жумҳурият фанлар академиясининг мухбир аъзоси, дорилфунун ректори, профессор С. С. Ғуломов. — У ўз фаолиятида жумҳурият халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Олийгоҳимизнинг Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни сифатида шакланишида ҳам И. А. Каримовнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ислом Абдуғаниевич сиёсий арбоб, меҳнаткашларни ўз атрофида жипслаштира оладиган йирик ташкилотчи, иқтисодий масалаларни юқори даражада тушунадиган, халқ тинчлиги ва осойишталигини сақлай оладиган қатъиятли инсондир. Шунинг учун ҳам сизларни И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

— Президент И. Каримовнинг айниқса студент ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги алоҳида аҳамиятга эга. Келаси йили талабаларнинг стипендияси 40—50 фоизга оширилади. Бу Президентимизнинг талабаларга яна бир мурувватидир. Мен унинг номзоди учун овоз беришларингизни истайман, деб таъкидлади ўз сўзида ҳисоб иқтисоди куллиётининг 3-курс талабаси Қ. Бекмуродов.

Йиғилишда сўзга чиққан социал-иқтисодий ривожлантиришни режалаштириш куллиёти декани Ҳ. Ҳакимов, дорилфунун илмий ишлар бўйича ректор муовини В. Ким, тижорат куллиёти талабаси Х. Файзиев ва бошқалар ҳам Президентнинг бозор иқтисодиёти шароитида жумҳурият аҳолисини, айниқса қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя этиш йўналишида олиб бораётган ишларини алоҳида таъкидладилар, жамоа аҳлини И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

З. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни ректори муовини, профессор.

Фельетон ўрнида

УЙФУРУШЛАР

Инсоф — инсонийлик устуни ҳисобланади. Инсофи йўқ кишининг имони ҳам бўлмайди. Афсуски, шу кунларда бундай кимсалар кўпайиб қолди. Бошқа юртларга кўчиб кетаётганларида давлат уйларини таваккал қилиб хуфёна бировларга топшириб юбораётган шахслар шундайлар сирасига киради. Бундай қонунбузар одамларни жумҳуриятимизнинг деярли барча район ва шаҳарларида учратиш мумкин. Жиззах шаҳрида ҳам шундай воқеалар бўлиб ўтган.

«Иттифоқ» митти районидаги 60-уйнинг 11-квартирасида 1-қурилиш анжомлари корхонаси ишчиси Григорий Гусев кўпдан буён истиқомат қилиб келарди. У бошқа ёққа кўчадиган бўлиб қолди. Хўш, давлат томонидан берилган бу уйни нима қилиш керак? Давлатга топшириш керак-да, албатта! Йўқ, Г. Гусев бундай қилмади. Ўзаро маҳфий тил бириктирган ҳолда Света Бондарян деган кимсага бериб юборди. «Нимани эвазига?» — деган ҳаққоний савол туғилади шу ўринда. Ҳозирча бу ёғи маълум эмас. Ҳар ҳолда бекорга мушук офтобга чиқмаса керак?!

Шу кунларда шаҳар ижроия қўмитаси масъул ходимлари С. Бондаряндан уйни бўшатиб беришни талаб қилишмоқда. У эса кўзларини лўқ қилиб ўтирибди.

Яна бир мисол. Шаҳардаги 2/4 митти районига қарашли 19-«А» уйнинг 13-квартирасида «Магистрал» ширкати аъзоси Наил Амиров истиқомат қиларди. У оиласи билан ота юрти — Қримга жўнаб кетаркан уч хонали турар-жойини иш жойининг тайини йўқ (аниқроғи, ўзи сир тутаётган) Наташа Демидовага ташлаб кетибди. Бундан хабар топган ижроқўм ва уй-жойлардан фойдаланиш бўлими ходимлари Н. Демидовадан уйни бўшатишни талаб қилдилар. Аммо унинг уйдан чиққиси йўқ. Афтидан, Демидова ўзининг чув тушганини, эрта-индин қонунга кўра уйни бўшатишга мажбур бўлишини англаб етмаганга ўхшайди.

— Афсуски, давлат уйини сотиб кетувчиларнинг гапларига лаққа ишониб, «қуйиб қолаётган» кишилар анчагина, — дейди шаҳар уй-жой ҳисобини олиш ва тақсимлаш бошлиғи Ўктам Тожибоев. — Жумладан, Анатолий Ношкин деган шахс ўзи яшаб турган уйни Озода Абаевага, 92-механизациялашган кўчма колонна тракторчиси Алексей Илгин Юнусбишеров деган шахсга, Роза Ваганова эса Сайхон паррандачилик фабрикасида ишлайдиган Марина Вагановага ташлаб кетган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Шаҳар бедарвоза эмас-ку. Кўнгилсиз ишнинг олдини олса бўлмайдими?

— Шу йилнинг 15 ноябридан бошлаб кўчиб кетувчиларга контейнерлар олиш учун руҳсатнома берилиши масаласи ижроқўм қошидаги уй-жой бўлими орқали амалга ошириладиган бўлди, — дейди шаҳар ижроқўми раисининг ўринбосари Комил Қобулов. — Шунингдек, ижроқўм қарори билан фуқаролар паспортларидаги белгини уларнинг сўровлари орқали ҳисобдан чиқаришга чек қўйилди. Яъни бундан кейин шаҳардан кўчиб кетаётган ҳар бир оила ижроқўмнинг ҳар томонлама назоратида бўлади.

Яхши тадбир. Бу ишлар сал олдинроқ амалга оширила бошланганида эди, янада яхши бўларди ва кўп овора гарчиликнинг олди олинарди. Ижроқўмда бўлган кунларимизда биз шаҳар фуқаролари томонидан уй-жой ҳақидаги қонунларнинг тез-тез бузилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бундай қонунбузарлар орасида ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари, айрим бошқа масъул кишилар ҳам борлиги бизни ранжитди.

1992 йилнинг январь ойидан бошлаб Жиззах шаҳрида ордерларни ёппасига алмаштириш чоралари кўриляпти. Шаҳар ҳудудидаги барча турар-жойларни қатъий ҳисоблаб чиқиб назоратга олиш мақсадида жиддий тайёргарликлар олиб бориляпти. Балки ана шунда неча йиллардан буён навбатда турган 1,5 мингдан зиёд оиланинг бир қисмини бошпана билан таъминлашга имконият туғилар.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли муштарийлар бу борада сизлар яшаб турган жойларда аҳвол қандай? Хатларингизни кутамиз.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ҚАТЪИЙ РЕЖА АСОСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши республика Президенти сайловида ва республика давлат мустақиллиги референдумида партиянинг иштирокини таъминлашга доир ташкилий-сиёсий тадбирлар режасини ишлаб чиққан эди. Унда президент сайловини ўтказиш муносабати билан партия олдида турган бир қатор вазифалар қамраб олинди. Ҳозир Марказий Кенгаш сайловолди ишларини ана шу тадбирлар асосида изчиллик билан олиб бормоқда. Жумладан, барча даражадаги сайлов комиссияларига Ўзбекистон ХДП ўз вакилларини тавсия этди. Партия ташкилотлари учун уларнинг сайлов компаниясида ва давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда иштирок этишларини таъминлашга доир барча таҳлилий материаллар тайёрланмоқда. Вақтивақти билан ХДП ташкилотларининг сайлов компанияси ва референдумда иштирок этиши йўл-йўриқларига оид консультациялар ўтказиб турилибди. Марказий Кенгаш бўлимлари ана шу консультацияларга доир ахборот-методика материалларини тайёрладилар. Шунингдек, республика ХДП шаҳар, район кенгашларининг котиблари учун ҳам регионал консультациялар уюштирилмоқда.

Белгиланган режада депутат бўлган Ўзбекистон ХДП аъзоларини барча даражадаги халқ депутатлари кенгашларидаги ХДП гуруҳларига бирлаштириш қайд этилган эди. Бу ишлар изчиллик билан амалга оширилди. Булардан ташқари ХДПдан президентликка кўрсатилган номзод позициясини, партиянинг Ўзбекистон республикаси мустақиллиги тўғрисидаги масалага доир қоидаларини тушунтиришда ХДП гуруҳларига бирлашган депутатларнинг фаол иштироки таъминланмоқда.

Шу кунларда жойлардан Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари, шаҳар ва район кенгашлари республика президентлигига Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш учун меҳнат жамоалари ва истиқомат жойларида йиғилишлар ўтказаётгани ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Улар шунингдек, президентликка ХДП кўрсатган номзодни қўллаб-қувватлайдиган фуқаро гуруҳлари қўмиталарини шакллантиришга ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия ички ишлари бўлими партия район ва шаҳар кенгашларига ҳудудий бошланғич ташкилотларни ва сайлов округларида уларнинг бирлашмаларини шакллантириш ҳамда уларни президентликка ХДП кўрсатган номзодни қўллаб-қувватлаш борасидаги таянчга айлантиришда яқиндан ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг республика Президенти сайлови ва Ўзбекистон мустақиллиги учун референдум ўтказишда партиянинг иштирокини таъминлашга оид ташкилий-сиёсий тадбирлар режасида барча сиёсий ва ижтимоий кучларнинг республикада фуқаролар ҳамжиҳатлиги, миллий ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш муаммолари ҳақида давра суҳбатлари ўтказиш, сайловолди тайёргарлик ишлари ва сайлов даврида республикадаги сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан келишиб ишлашга доир таклифлар тайёрлаш, Ўзбекистон ХДП билан республика Ёшлар иттифоқи ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома тайёрлаш ва тузиш вазифалари ҳам қамраб олинган. Шунингдек, ХДПнинг сиёсий йўли рўёбга чиқарилиши ва Марказий Кенгашнинг республика ҳаёти муҳим масалаларига оид позицияси тўғрисида оммавий ахборот воситалари учун мўлжалий тушунтиришлар, варақа ва плакатлар тайёрлаш ҳам ана шу режалардан ўрин олган.

ХДП Марказий Кенгаши сиёсий ижроия қўмитаси аъзолари ва партия фаоллари «Ўзбекистон овози» рўзномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мунтазам қатнашиб турадилар. Республика радио ва телевидениесида «Муроса» деб аталадиган партиялараро клуби ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда. Партия ходимлари ва фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида тузилган тарғиботчилар гуруҳларини бот-бот жойларга юбориш, меҳнаткашлар ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш сайловга тайёргарлик ишларининг асосий мазмунини ташкил этади. Шунингдек, республика аҳолиси ҳаётининг энг ўткир муаммолари юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш, ХДПнинг сайлов компанияси ва референдумда иштироки ташкилотчилари учун умумлаштирувчи ҳужжатлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳам Марказий Кенгашнинг сайловолди ишлари режасидан ўрин олган. Партиянинг сиёсий йўлини муҳокама қилиш, унинг сайловчилар энг фаол табақалари билан норасмий алоқаларини ривожлантириш мақсадида партия аъзолари, ёшлар, тадбиркорлар, олимлар, мутахассислар хотин-қизлар, фахрийлар билан ҳар ҳафтада учрашувлар ўтказиш учун ХДП Марказий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий маркази биносида партиявий кафе-клуб ҳам таъсис этилади.

Белгиланган қонунга мувофиқ сайлов комиссияларининг мажлисларида, овоз бериш, овозларни санаш, шунингдек, овоз беришнинг натижаларини аниқлаш пайтида сайлов участкаларида ҳозир бўлиш учун ХДП кенгашлари партия аъзоларидан кузатувчиларни танлайди ва тасдиқлайди.

Қарор ижроси билан кучли. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ушбу режаларни изчиллик билан амалга ошираётганлиги республика президенти сайловига ва Ўзбекистон мустақиллиги референдумига тайёргарлик ишларида Халқ Демократик партиясининг иштирокини таъминламоқда.

УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойи қарорларини, партиянинг дастурий вазифаларини кенг халқ оммасига тушунтириш ва амалга ошириш ХДПнинг шу кунги муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзолари ўтган бир ой ичида бир қатор меҳнат жамоаларида бўлиб, кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Учрашувлар, суҳбатлар, давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Н. Носиров куни кеча Сурхондарё вилоятидаги бир қатор меҳнат жамоалари билан учрашди. Термиз райони ва Термиз шаҳрида бўлди. Ҳарбий қисм солдатлари, Термиздаги муаллимлар олий билимгоҳи талабалари, Термиз районидаги давлат хўжаликлари ишчилари ва фермерлари билан бўлган бу учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш муносабати билан ХДП олдида турган вазифалар ҳақида атрофлича сўз борди. А. Носиров партиянинг ёшлар, уларнинг ташкилотлари билан ишлаш сиёсати ва унинг бажарилиши, республика Президентининг қабул қилган фармонлари, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ёшлар турмуш шароитини яхшилаш ва улар манфаатини муҳофаза қилишдаги роли ҳақида атрофлича тўхталди.

Вилоятда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда кўтарилган асосий масала ҳозирги шароитда партия олдида турган вазифалар ва уларни бажаришда ХДП аъзоларининг ўрни ва роли мавзуси бўлди. Учрашув қатнашчилари партия ички ишларини ташкил этиш, янги усул ва услубларни вужудга келтириш, омма ўртасида партиянинг обрў-эътиборини таъминлаш ҳақида фикр олишдилар. А. Носиров учрашув иштирокчиларининг саволларига жавоб берди.

Р. ҚОДИРОВ.

ФАРҒОНА вилоятидаги Киров районининг «Бешариқ» давлат хўжалигида айни пайтда иккита ғишт заводи ишлаб турибди. Бу корхоналар қурилиш ташкилотлари ва давлат хўжалиги меҳнатчиларини зарур ғишт билан таъминламоқда. Завод ишлаб чиқараётган ўз маҳсулотини алмаштиришга ҳам муваффақ бўлди. Чунончи Тюмень вилоятидан ёғоч-тахта олиб келинмоқда. Янги йилда катта қувватга эга бўлган яна бир ғишт заводи қуриш режалаштирилди.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчилари Мўйдин Турсунов (чапда) ва Қурбонали Эрматов.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДОРИЛФУНУНИ

ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, сиёсатшунослик ва бошқариш олий илмгоҳининг профессори.

ЖАМИЯТИМИЗДА кун сайин, ой сайин тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар юз бермоқда. Уларнинг энг асосийларидан бири Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши бўлди. Бу сана жумҳурият ва халқимиз ҳаётида қанчалик жиддий эканлигини маълум бир давр ўтгандан кейингина тўла тушуниб олиш мумкин. Ҳозирча эса уни тушунганлар ҳам, тушунмаганлар ҳам бор. Бу бежиз эмас. Гап шундаки, аҳолининг кўпчилиги турғунлик даври ва ундан кейинги йилларда ўнлаб, юзлаб қабул қилинган қарорлар, қонун ва фармонларнинг бажарилмай, қоғозда қолиб кетганини кўрган. Шу сабабли Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилиш ўша қарорлардан биттаси-да, дейдиганлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Республикамизни мустақил давлат деб эълон қилиш халқимиз ҳаётида туб ўзгаришга олиб келиши шубҳасиздир. Жаҳондаги мустақил давлатлар орасида янгиси пайдо бўлди. Бу — Ўзбекистон Республикасидир. Ўзининг кўп асрлик тарихида хонлар ва амирлар қўлида парча-парча бўлиб яшаган, чоризм даврида мустамлака аҳолиси сифатида таланган, Октябрдан сўнг эса ҳудуди марказнинг хом ашё манбаларидан бири бўлиб кун кечирган халқимиз шунча азоб-уқубат ва хўрланишлардан қутилиб чиқиб, эндиликда ўз жумҳуриятини мустақил давлат, деб эълон қилди. Бундай машаққатли йўлни биргина Ўзбекистон халқи эмас, мамлакатнинг бошқа халқлари ҳам босиб ўтдилар.

Ҳозир биз ўтмишимизга шафқатсиз танқид кўзи билан қараяпмиз. Бу — табиий ҳол. Ўз вақтида Карл Марксдан сизнинг таълимотингизнинг энг диққатга сазовор ва асосий томони нимадан иборат, деб сўраганларида, «ҳамма нарсани шубҳа остига олишдир» деб жавоб берганди. Биз ҳам ўтмишимиздаги ишлар тўғри бўлганлигини ҳозирги кунларда жуда ҳам жиддий шубҳа остига олмоқдамиз. Лекин шуни ҳам ёдда тутиш керакки, шубҳа остига олиш инкор этиш деган гап эмас. Ўтмишдаги меҳнат ва ютуқларнинг қадрига етиб, уларга суянибгина олга бориш мумкин. Нима осон— ўтмишни қоралаш осон. Ўтмишга тўппончадан ўқ узсанг, келажак сени тўпга тутади, деган гап бор.

XX аср поёнига етгани сари, мамлакатдагина эмас, бутун жаҳонда чуқур инқилобий ўзгаришлар бўлаётганини кўриб турибмиз. Аср бошида эса жаҳонда вазият бутунлай бошқача, капитализмнинг яккаҳокимлик даври, унинг ваҳшиёна ва шафқатсиз моҳиятини намойиш этиш даври эди. Жаҳонни ўз уйидек эгаллаб олган империализм, унинг ҳар бир минтақасида, ҳар бир бурчагида ўз билганини қиларди.

XX асрнинг охирги чорагида эса бутунлай бошқа бир капитализмни кўриб турибмиз. У умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик қоидалари, демократия асосларига суяниб иш олиб бормоқда. Биздан ҳам шундай иш тутишни талаб қилмоқда. Худди дунё чарх уриб айланиб кетгандек бўлди: биз — социалистик тузум деб атаб келинган мамлакат вакиллари эндиликда инсонпарварлик, ошкоралик ва демократияни капиталистик давлатлардан ўрганишга мажбурмиз.

Демак, 1917—1985 йиллар орасида капиталистик дунё ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан тубдан ўзгарди ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларида — саноатда, қишлоқ хўжалигида, ижтимоий-сиёсий борада, аҳолига маданий хизмат қилишда бизни жуда орқада қолдириб кетди. Саноатда меҳнат унумдорлиги, масалан, АҚШда биздагига нисбатан 3—4 баравар баланд, қишлоқ хўжалигида эса АҚШнинг бир фермери биздаги ўн битта колхозчининг меҳнатини бажаради. Чунки унинг меҳнати шу даражада юксак машиналаштирилган ва инсон талабларига мослаштирилган. АҚШда ишчилар бир ойда бизнинг «сўм» билан ҳисоблаганда, ўртача икки мингдан ўн минг сўмгача маош олади. Японияда мактабгача ёшдаги болаларнинг 98 фоизи, Германияда 93 фоизи, Францияда 87 фоизи болалар боғчалари ва яслилар билан таъминланган. Бизда эса атиги 37 фоиз...

Бундай рақамларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман капиталистик мамлакатлардаги ишчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг турмуш шароитлари яхши бўлгани сабабли уларда ҳаётдан норозилик йўқ. Албатта, маълум табақаларда норозилар топилади, лекин улар жамият аъзоларининг ўн фоиздан камини ташкил қилади ва шу сабабли улар давлат тузумига хавф туғдира олмайдилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимоти бўйича, социалистик инқилобнинг етакчи ва ҳал қилувчи кучи — ишчилар синфидир. Ишчилар синфи эса асосан саноати энг тараққий этган мамлакатларда жамланган ва уюшган. Демак биринчи социалистик инқилоблар саноати энг ривожланган мамлакатларда бўлади. Аммо, ҳаёт бу қоидани тўла инкор этди. К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимоти ифодаланган «Коммунистик партия манифести» китоб бўлиб чиққандан кейин ўтган бир юз қирқ уч йил ичида битта ҳам тараққий этган капиталистик мамлакатда социалистик инқилоб бўлиб, пролетариат диктатураси ўрнатилгани йўқ.

Хўш, гап нимада? Гап шундаки, илғор мамлакатлар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда янгидан-янги имкониятларни топа олдилар, фан-техника тавсияларидан фойдаланиб, жамиятни кундалик инсон ҳаётида керак бўладиган маҳсулотлар билан тўлдириб юбордилар. Қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эриша олдилар. Масалан, бизда ҳар бош сигирдан йилига 2,5 минг литр сут олингани ҳолда Голландияда бу кўрсаткич 8—10 минг литрга етди. Дон хўжалигида бизнинг мақсадимиз гектаридан 25—35 центнердан ҳосил олиш бўлса, илғор капиталистик мамлакатларда бу рақам 85—90 центнерга тенгдир.

Чет элларга борган сайёҳлар у ерда савдо қилинаётган буюмларнинг кўплигига, яхши сифатига, ранг-баранглигига, арзонлигига маҳлиё бўлиб келадилар. Ҳолбуки, илғор саноат учун бундай телевизор, магнитофон, видеоаппарат, гилам, мебел, қандил, ошхона анжомлари, енгил автомашина, кийим-кечак ва пойабзалларни миллион доналаб ишлаб чиқариш қийин эмас. Масаланинг нозик томони ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишда, ҳолос. Бу масалани Марказий ва Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва бошқа мамлакатлар муваффақиятли ҳал қилмоқдалар.

Юқорида келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, санаб ўтилган мамлакатлар оддий инсонга хизмат қилиш, унинг кундалик тирикчилиги учун қулай шароитлар яратиб бериш жиҳатидан социалистик мамлакатлардан анча ўзиб кетишган. Демак, биз капиталистик деб атаб, нафратланиб юрган мамлакатлар ўзимиз мақтаб кўкларга кўтарган социалистик мамлакатларга нисбатан социализмга яқинроқ бўлиб қолдилар.

Хулоса шундан иборатки, капиталистик жамиятни социалистик инқилобсиз, қонсиз-урушсиз, турли хил ислоҳотлар, аста-секин амалга ошириладиган ўзгаришлар йўли билан социалистик даражага кўтариш мумкин экан. Ҳар бир мамлакатда социализм қурилганми ёки қурилмаганми, — бу нарса унинг расмий номида, «социализм» сўзи борми ёки йўқми эканлигига қараб эмас, балки шу мамлакатдаги меҳнаткаш халқнинг ҳол-аҳволи, яшаш шароитлари, кун кўриш даражасига қараб белгиланиши айни ҳақиқатдир.

ИНСОНИЯТ ҳозирги даврда ўз тараққиётида «капитализм ёмон, социализм эса яхши» деб икки сиёсий тузумни қарама-қарши қўйишкаби ибтидоий фикр юритишдан юқори кўтарилиб, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини умуминсоний мезонлар асосида ўлчай бошлади. Чунки социализм учун кураш тарихи шуни кўрсатдики, мамлакатни социалистик деб жар солиб, аслида социализмга қарши сиёсат юритиш мумкин экан ва аксинча, капиталистик мамлакат деб номланса ҳам, халқнинг юксак турмуш даражасини таъминлаш мумкин экан.

Жаҳондаги илғор мамлакатлар умуминсоний мезонлар асосида ҳаёт кечириш ва ўзаро муносабатларини ташкил этиш йўлига ўтиб олаётган бир пайтда, бир ижтимоий синфни иккинчи ижтимоий синфга қарама-қарши қўйишни, бир ижтимоий-сиёсий тузимни иккинчи ижтимоий-сиёсий тузимга қарши қўйишни ўзининг асосий мақсади ва вазифаси қилиб қўйган сиёсий партиянинг ўз-ўзидан жамиятдаги мавқеи, обрўси ва таъсирини йўқотиши, жамият ҳаётидан аста-секин четга чиқиб қолиши табиий ҳол, албатта. Худди шундай воқеа Совет Иттифоқининг Коммунистик партияси ва ўтмишдаги бошқа социалистик деб аталган давлатларнинг Коммунистик партиялари тақдирида содир бўлди.

Шундай қилиб, ишчилар синфи ва Коммунистик партиялар капитализмдан социализмга ўтиш даврига мўлжалланган ҳамда К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин томонидан асосланган ва белгиланган вазифаларини бажариб бўлдилар. Коммунистик партияларга замин ва асос бўлиб хизмат қилувчи ишчилар синфининг асосий қисми илмий-техника тараққиёти натижасида жамиятнинг бошқа ижтимоий табақаларига қўшилиб, уларга сингиб кетди. Ўтмишда, масалан, цехда юзта станок ёнида юзта ишчи туриб ишлаган бўлса, энди эса бор йўғи бешта-ўнта юксак малакали ишчи бўлиб, қолган ишларни автоматлар бажаради. Аср бошидаги ўз фойдаси учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган капитализм ўрнига умуминсоний қоидаларга риоя қиладиган, халқ оммасининг, инқилобий кучларнинг аср давомидаги доимий тазйиқи таъсирида демократия ва халқчиллик томон юз ўгирган капитализм келди. Бундай шароитда ишчилар синфи ва Коммунистик партияларни қўмсаб, кўз ёши тўкиш давр талабидан орқада қолишнинг аломатидир. Энди ҳозирги давр шарт-шароитлари билан тўла ҳисоблашадиган ва янгичасига иш олиб бора оладиган сиёсий партиялар пайдо бўлмоқда. Улар Коммунистик партияларнинг энг яхши, ижобий анъаналарини давом эттиришни, уларнинг тажрибаларини чуқур ўрганиб, хато ва камчиликларини қайтармасликни мақсад қилиб қўймоқдалар. Республикамизда ташкил топган Халқ-Демократик ва «Эрк» партиялари шулар жумласидандир.

ЖАМИЯТИМИЗДА кўп партиялилик ҳаёт тарзимиз таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бу ижтимоий-сиёсий ҳаётимизни тубдан ўзгартириш ва фаоллигимизни яғи поғонага кўтаришда муҳим омил бўлади. Энди одамлар бир неча партия орасидан ўз истаги ва эътиқодига тўғри келадиганини танлаб, бу партиянинг очиқ сайловда ғалаба қозониши учун рақобатли, кескин ва мураккаб курашда қатнашиши мумкин бўлади.

Жамиятда бир неча демократик партиялар бўлиши раҳбарлардан чиққан инжиқлик ёки терсликнинг натижаси эмас, балки жамият тараққиётининг қатъий талабидир. Совет Иттифоқи халқларининг етмиш йил ичида бошига тушган кўп кулфатларнинг сабаби ва илдизи шундаки, мамлакатда ҳамма вақт битта партия ҳукмронлик қилиб келди. Уни танқид қиладиган, хатоларини фош этадиган, камчиликларини юзига соладиган бошқа партиялар бўлган эмас. Шу сабабли Компартия йўл қўйган хатолар ҳам тўғри деб тасдиқлаб келинган. Пировард натижада бу хатолар янада жиддийлашган, чуқурлашиб бориб, батамом ўпирилиш ва инқирозларга олиб келди. Илғор мамлакатларнинг ҳаммасида сиёсий партиялар кураши жамият ҳаётининг жуда муҳим қисмидир.

Жамиятимизда ташкил топаётган кўп партиялилик ва уларнинг доимий кураши чуқур фалсафий асосга эга. Гап шундаки, жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий куч—қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва доимий кураши бўлмаган жойда турғунлик даври бошланади, жамият аста-секин ич-ичидан чирий бошлайди, фикрлар ва нуқтаи назарлар кураши ўрнига бир-бирларини мақташ, камчиликларни ҳаспўшлаш, қўшиб ёзиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, порахўрлик, оддий кишиларни менсимаслик ва бошқа шу каби салбий ўзгаришлар кенг илдиз ёяди.

Узоқ йиллар давомида мафкуравий раҳбарлар, тарғибот ва ташвиқот билан шуғулланувчи идоралар фалсафанинг ана шу асосий қонуни Коммунистик партия оқилона раҳбарлик қилиб турган совет жамиятига тааллуқли эмас, чунки партия ҳамма камчиликларнинг олдини олади, шу сабабли бизда қарама-қаршиликлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, улар фақат эксплуататорлик жамиятида бўлади, деб келдилар. Бундай нотўғри фикр қандай оқибатларга олиб келганини ўзимиз кўриб турибмиз.

Бундай ўта сўлчилик, ўзбилармонлик ва назарий манманлик ҳамда ўтмиш хатоларининг қайта содир бўлиши олдини олишнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса кўппартиялиликдир. Буни амалга ошириш ниҳоятда мушкул кечиши маълум. Чунки Коммунистик партия бизни жаҳон социалистик инқилобининг олд қўшини сифатида тарбиялади, онгимизга социалистик ғояларнинг шижоатли ва айни вақтда итоаткор аскари бўлиш ҳиссини зўр бериб сингдирди.

Эндиги вазифа ана шундай қарашлардан воз кечиб, жамиятдаги ҳар бир фуқарони ўз фикри, ўз қараши, ўз нуқтаи назарига эга бўлган, ҳар бир масалани мустақил чуқур таҳлил қила оладиган инсон қилиб тайёрлашдан иборат. Бўлмаса турғунлик даври қайталаниб, навбатдаги раҳбарларга сажда қилиш давом этаверади.

Бу фикрлар Ўзбекистон республикасига ҳам тўла тааллуқлидир. Мустақиллик бизга гапдонлик ва ваъзхонлик санъатида машқ қилиш учун эмас, балки давлатимиз ривожланишини тезлатиш, халқ фаровонлигини кўтариш учун керак. Ўшандагина биз илғор халқларнинг маданиятли оиласига киришга ҳақли бўламиз. Ҳозирча эса мустақиллик очган йўлни кўриб турибмиз холос. Бу йўлни босиб ўтиш узоқ йиллар давомида кўп меҳнат қилишни талаб этади. Мустақиллик яратаётган имкониятлардан оқилона фойдалана олсак, республикамиз аҳолисининг меҳнат анъаналарини тикласак, мутахассислар тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда илғор мамлакатлардан ўргансаккина сезиларли натижаларга эришиш мумкин. Мустақилликдан мақсад — жумҳуриятимиз марказдан озод бўлганига маҳлиё бўлиб ўтириш эмас, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларни таъқиб қилиш ёки шулар сабабли жаҳондаги тараққиёт йўлни уватида қолиб кетиш эмас, аксинча ҳозир бутун дунёда амалга ошаётган сифат ўзгаришларининг таркибий қисмига кириб боришдан иборатдир.

• ОЛДИН ИҚТИСОД...

САВДО ХИЗМАТИ БАРҚАРОРЛАШАДИ

Ҳурматли муҳарририят! Халқ орасида нарх-наво яна ошармиш, деган миш-мишлар юрибди. Яқинда республика Президентининг пулни сақлашдан фойда йўқ, яхшиси унга зарур моллар олинглар, деган даъватидан кейин эса кўпчилик ўзини дўконларга урди. Биз ҳам Жиззаҳга бордик. Аммо дўконлар берк эди. Марказий универмаг ёнида эрталабдан тўпланган юзлаб одамлар шаҳар саноат моллари савдоси бошлиғи Камол Исроиловдан кўп илтимос қилишсада, дўконни очтирмади. Ваҳолонки, барча сотувчилар ўз ўрнида эди! Бу аҳволда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қандай бўлади!

Н. БЕРДИЕВ,
Ғаллаорол райони.

Мухбиримиз вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Камол Салиевдан мазкур хат баҳонасида кўпчиликни ташвишлантираётган саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Сўнгги пайтларда озиқ-овқат ҳамда саноат молларига талабнинг кескин ошгани рост. Нарх-навонинг муттасил ошиб бораётганлигидан чўчиб қолган аҳоли дўконларда учраган нарсани харид қиляпти. Шу боис пештахталар бўшаб қолмоқда. Аммо савдо-сотиқ жараёнини ва аҳоли эҳтиёжини ўрганиш кўпгина саноат молларини қўшни вилоят ва жумҳуриятларга яшайдиган аҳоли томонидан олиб кетилаётганлигини кўрсатди. Шунинг учун якшанба кунлари савдо қилиш, турли ярмаркалар ташкил этишни вақтинча тўхтатиб туришни лозим топдик. Дўконлар иш тартибини ҳам айнан маҳаллий аҳоли талаб эҳтиёжларига қараб ўзгартирдик. Хатда тилга олинган универмаг вилоят савдо бошқармасига қарайди. Бизнинг дўконлар эса шанба кунлари ҳамда айнан тушлик пайтида фаолият кўрсатадиган бўлди. Харидорларнинг паспортларига қараб савдо хизмати кўрсатишга йўл қўйилди. Нарх-навони ошириш хусусида бизда ҳеч қандай кўрсатма йўқ.

Муаллифнинг янги йилгача дўконларга мол чиқмасмиш, деб хавотирланиши ўринсиз. Чунки йилнинг тўртинчи чораги учун белгиланган маҳсулотларни деярли оляпмиз. Жумладан, декабрь ойида матлубот жамиятлари савдо тармоқларида жами 40 миллион сўмликка яқин мол сотишни режалаштирилган. Хусусан, республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги «Аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашни барқарорлаштириш ҳақида»ги қарори асосида фуқароларга зарур озиқ-овқат ва саноат моллари етказиб берилади.

Декабрь ойи охиригача жами 19 миллион 500 минг сўмлик ун, гуруч, шакар, қандолат маҳсулотлари, ёғ, чой, турли ичимликлар сотилади. Бундан ташқари 1 миллион 418 минг сўмлик газлама, 3 миллион 725 сўмлик пойабзал, 6 миллион 710 минг сўмлик тайёр кийимлар савдога чиқарилди. Тўғри, йил давомида чой, шакар, чит, калиш каби ўзга жумҳуриятлардан келтириладиган маҳсулотлар билан таъминлашда бироз камчиликлар ва узилишлар бўлди.

Аммо, янги йил арафасида бундай бўлмайди. Аксинча, хўжалик йил якуни арафасида вилоят аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш тадбирларини ишлаб чиқдик. Шунга асосан, 28—31 декабрь кунлари район ва шаҳарлар марказларида кўргазмали савдо ташкил этилади. Уч кун мобайнида аҳолига 12 минг сўмликка яқин қандолат маҳсулотлари, 11 минг сўмлик ярим тайёр маҳсулотлар, 7,3 тонна нон маҳсулотлари, 7,3 тонна колбаса, турли ичимликлар сотилади. Бу эса янги йил дастурхони учун жуда муҳимдир. Хуллас йил охиригача аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами деярли барқарор бўлади.

Яқинда ўтказилган катта бир йиғинда вилоят ижроқўмининг раиси Ўктам Олимов аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапирди. Турли молларни ўзга жумҳуриятларга олиб чиқиб кетишга уринаётган шахсларга нисбатан кескин чора кўриш лозимлиги таъкидланди. Ҳамма гап ана шу тадбирларни амалга оширишда. Бу эса жойлардаги маҳаллий ҳукумат вакиллари зиммасига масъулият юклайди.

С. БАҲРИДДИНОВ.

• Акс-садо

РЎЗНОМАДАН МИННАТДОРМАН

Одам яшилик кўрган кўчасига айланиб ҳам, ўргилиб ҳам кириб келаверяркан. «Ўзбекистон овози» мен учун ана шундай табаррук бир даргоҳ бўлиб қолди. Шаҳарга чиқиб қолгудек бўлсам редакцияга бирров кириб дарду-ҳасратимни тинглашдан эринмаган, қўлимга бир пиёла чой тутқазиб, кўнглимга малҳам бўлган сиз жигаргўшаларимни кўриб кетмасам ўзимни гуноҳкордек сезаман. Менинг қанотимсизлар, ғамхўрим, қадрдонларим бўлиб қолдингизлар, ахир! Раҳмат, минг раҳмат сизларга. Сира кам бўлманглар!

Рўзномага шикоят ёзиб, паноҳ излаб келганимда алам-ситамлар жон-жонимдан ўтиб кетган, кўчада қолган бир пайтим эди...

Ўзингизга маълумки, ўз кучим, ўз пулимга қурган, ўз номимдаги уй—жойимга сиғмай қолгандим. Оқ сут бериб боққан яккаю-ёлғиз ўғлимдан фарзандлик меҳри кўтарилган, эрим жаҳолат отига минган, келиним эса мендек ногирон, кўримсиз, митти (лилипут) онани қайнона дейишдан, бир хонадонда яшашдан ор қилганди. Эҳтимол, «бир одамга уч одам қарши экан, демак, бу аёлнинг ўзида ҳам бир гап бордир-да» дегувчилар топилар. Беайб парвардигор дейдилар. Балки мендан ҳам ўтгандир. Лекин... Мендан ўтгани шуки, уларга жуда-жуда бино қўйгандим. Мендан ўтгани шуки, улар ҳам менга шундай меҳр кўзи билан қарасалар, суянсалар девдим. Афсус... Мени кўчага қувиб чиқардилар. Суд, прокуратура, милиция ходимлари ҳам аралашиб уйимга олиб кириб қўя олмадилар. Шунда «Ўзбекистон овози» (собиқ «Совет Ўзбекистони»)га мурожаат қилдим. Мухбирингиз маҳалламга бир эмас, бир неча бор борди. Оилам, маҳалладошларим билан қайта-қайта суҳбатлашди. Адлия ходимлари билан ҳам учрашди. Судда иштирок этди ва ниҳоят рўзномада мен ҳақимда мақола («Сўнгги сўз—маҳалладошларга», «Совет Ўзбекистони» 1989 йил, 9 август) босилди.

Буни қарангки, маҳалладошларим мухбирнинг «Сўнгги сўз — маҳалладошларга» деган шаъмасини илғаб олиб, тезда тўпланишди. Йиғилиш жуда кескин ўтди. Жамоа аҳли бир овоздан мени ҳимоя қилиб туриб олди. Барака топишсин, яхшиликларида хизмат қилайин... Жамоа эрим, ўғлим ва келинимни маҳалладан кўчиб кетишлари ҳақида қарор қабул қилди. Лекин бу қарорни амалга оширишнинг ҳам ўзи бўлмади. Яна рўзнома ходимлари менга ёрдам қўлларини чўзишди. «Сўнгги сўз — маҳалладошларга» мақоласи юзасидан рўзномага келган мактублардан бир қисмини ўз саҳифангизда эълон қилдингиз.

Мени ўз уйида яшашга таклифнома йўллаганлар, менга моддий, маънавий ёрдамини таклиф этаётганлар, қизингиз ё ўғлингиз бўлайлик, деб кўнглимни кўтараётган ўнлаб мактубларни ўқир эканман, орқамда шунчалик ғамхўр, яхши одамлар борлигидан қаддимни кўтариб олардим. «Яна бироз сабр қилинг ая, бу кунлар ўтиб кетади» дея юпатганларингиз яшашга бўлган умидимни сўндирмасди. Мен редакцияга қатнашдан, сизлар эса менинг ҳақ-ҳуқуқимни тиклаш учун курашдан эринмадингиз. Ниҳоят, уч йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг ўз уйимга кириб яшаш насиб этди. Ўз маҳалладошларим — тобуткашларим бағрида эканим менга таскинлик беради.

Мен ҳақимдаги ўша мақола «Сўнгги сўз — маҳалладошларга» мақоласи шоир Ҳамзанинг

Юзларин қаро айлаб,
феълидан пушаймон эт

деган мисралар билан бошланганги ҳеч эсимдан чиқмайди. Мендек ғариб бир инсон тақдири учун кураш жараёни натижалари оналикни эъзозламаганларнинг юзлари, албатта, қаро бўлишини кўрсатди...

Буни ёзишимдан мақсад, рўзнома мухбирлари хизматини таъкидлаш ва буни бошқаларга ҳам эшиттиришдир.

«Ўзбекистон овози»га 1992 йил учун обуна бўлдим. Бошқаларни ҳам шунга даъват этдим. Бу қутлуғ даргоҳга ҳақиқат ва адолат излаб келган ҳар қандай инсон муроду-мақсадига етади. Негаки, бу қутлуғ даргоҳнинг ҳар иши қутлуғдир.

Турсуной ХАЛИЛОВА,
Тошкентдаги Миршаропов номли маҳалла фуқароси, меҳнат фахрийси.

• *Давлат тили тўғрисидаги қонун қандай бажарилмоқда?*

КИЧИК КОМИССИЯЛАР ИШ БОШЛАДИ

Давлат тили тўғрисидаги қонунни изчил бажара бориш ҳали ҳам кўпгина ташкилий юмушларни адо этишни тақозо қиляпти. Яқинда мазкур масала билан шуғулланувчи республика комиссияси таркибида кичик комиссиялар иш бошлади. Атамашунослик, оммавий ахборот воситаларида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ва ёритилиши билан шуғулланувчи, тилшунослик бўйича илмий ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи, давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишнинг ташкилий масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссиялар шулар жумласиндандир. Мазкур комиссиялар Давлат тилини жорий этиш жараёнларини таҳлил этадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз тавсияларини тақдим этадилар.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

«ЎЗБЕКИСТОН», «ПАХТА» ДЕБ НОМЛАШДИ

Жиззах бадиий кулолчилик заводи янги йил арафасида нишонланадиган 10 йиллиқ тўйи олдидан «Ўзбекистон» ҳамда «Пахта» деб номланган, совғабоп чойнак ва гулдонлар чиқара бошлади.

Мазкур жамоа Маҳаллий саноат вазирлиги бўйича биринчилардан бўлиб ижара пудратига ўтганди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми тез ўсиб, қисқа даврда 30 хил сифатли маҳсулот тайёрлана бошланди. Корхонада шиша чиқиндиларини қайта ишлаш цехи қуриб битказилгач, маҳсулотлар тури янада кўпаяди. Айни пайтда завод жамоаси қўшни Туркманистон жумҳуриятининг Чоржўй вилоятида қўшма корхонаға ҳам асос солди.

АРНАСОЙ ШАРБАТЛАРИ

Райондаги Гречко номли боғдорчилик хўжалигида ишга тушган кичик вино заводи мавсумда 3 минг тонна узумни қайта ишлаб, 2 миллион шиша вино, турли шарбатлар тайёрлаш қувватига эга.

Қўшни Октябрь районининг Алексеевский номли давлат хўжалигида эса консерва заводи ишга туширилди. Кунига 2,5-3 минг шартли банка маҳсулот тайёрланадиган мазкур корхона фаолиятини изчил таъминлаш мақсадида минг тонна сабзавот сақланадиган омбор ҳам қуриляпти.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари совет ва хўжалик раҳбарларининг вилоят халқ хўжалиги тармоқларида қишки мавсумни муваффақиятли ўтказиш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Андижон вилоят ижроия комитетининг раиси Б. Т. Болтабоев маъруза қилди.

Сессияда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг раиси К. Х. Холмирзаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ПРОКУРОРЛАР КЕНГАШИ

Самарқандда давлат қораловчиларининг прокуратура идораларининг 70 йиллигига бағишланган жумҳурият илмий-амалий конференцияси бўлди. Кенгаш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг етакчи мутахассислари, жумҳуриятимиз барча вилоятларидан келган олимлар ва амалиётчилар қатнашди.

Маърузаларда ва нутқларда ҳозирги шароитда прокуратура фаолиятига тегишли масалалар кўтарилди. Бир қанча вилоятларнинг прокурорлари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Конференцияда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов, СССР прокуратураси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Е. И. Моргачев қатнашдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

● СИРДАРЁ вилоятининг милиция ходимлари аҳолига сотиш учун савдо тармоқларига икки тонна гуруч, 60 қоп ун ва юз шиша ароқни қайтардилар. Бу Мирзачўлда тузилган товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилиш инспекциясининг дастлабки иш натижаларидир. Қайтарилган бу молларни айрим шахслар қўшни республикаларга олиб чиқиб кетишга уринган эдилар.

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҳозир вилоятда уч жойда — Ширин шаҳрида, Ховос посёлкасида ва Оқ олтин районида катта йўл бўйида ана шу инспекциянинг постлари ишлаб турибди, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири.

● САМАРҚАНД вилоятининг Челак районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг Куйбишев номли жамоа хўжалигида жойлашган бичиш-тикиш цехи аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Чеварлардан Мижозлар мамнун. Улар ойлик режаларини ортиғи билан уддалаб келмоқдалар.

СУРАТДА: тикувчи Кибора ва бичиқчи Клара Сувоновалар маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

К. ТУРСУНОВ олган сурат.

Хушхабарлар

ДАРОМАД ТЕНГ ТАҚСИМЛАНАДИ

● РИШТОНдаги кулолчилик буюмлари заводида ишга туширилган атлас тўқиш цехи маҳсулот бера бошлади. Бу ердаги ўнта дастгоҳда меҳнат қилаётган қизлар кунига 3—4 метрдан ранг-баранг атлас тўқишмоқда. Ҳозиргача қарийб 500 метр маҳсулот тайёрланди.

Янги ишни йўлга қўйишда, атлас тўқишни ўрганишда риштонлик ёшларга Марғилондаги ёдгорлик буюмлари фабрикаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Ёш тўқувчиларни зарур хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотга пардоз бериш ишларини ҳам марғилонликлар ўз зиммасига олди.

Келишувга мувофиқ даромад уч йилгача икки корхона ўртасида тенг тақсим қилинади. Сўнгра цех кулолчилик заводи ихтиёрига ўтади.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

● БОҒДОД районидаги «Ғалаба» давлат хўжалигига газ келди. «Ўзбекгаз»нинг Фарғонадаги 8-кўчма механизациялашган колоннаси монтажчилари давлат хўжалигининг маркази — Зафаробод қишлоғида 2,5 километр масофага газ қувури ётқиздилар. Бу эса хўжаликнинг қишлоқ врачлик амбулаторияси, болалар боғчаси, мактаб, давлат хўжалиги маъмурий биносини марказий қозондан иссиқлик билан таъминлаш имконини берди. Ҳадемай хўжаликнинг элликта хонадонида ҳам зангори олов ёна бошлайди.

Райондаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг Ултарма, «Победа» жамоа хўжалигининг Қўғоли қишлоқларидаги олтмишдан ортиқ хонадон ҳам табиий газ билан таъминланди. Боғдод «Райгаз» идораси ходимлари шу кунгача район қишлоқларида 27 километр масофага газ қувури тортиб, 491 хонадонни зангори олов тафтидан баҳраманд этдилар.

(ЎзТАГ мухбирлари).

Сизда қандай янгилик бор?

ТЕГИРМОН ЮРИБ ТУРИБДИ

● Ульянов районидаги Уникки қишлоғида тегирмон фойдаланишга топширилди.

Тегирмончи Самад Кенжаевнинг қўли-қўлига тегмайди. Соатига 400 килограмм ун чиқарилмоқда. Хўжалик ишчиларига 150 тонна дон тарқатилган эди. Тегирмондан фақат ҳамқишлоқларгина эмас, қўшни Қоракўнғирот, Талишбе ва Миришкорликлар ҳам фойдаланмоқдалар. Яқин орада мойжувоз ҳам қурилади.

ЙИЛИГА ЎН МИЛЛИОН

● Маълумки, ўзбек хонадонлари серфарзанд бўлади. Болалар катта бўлгач, ота-онага уларни уй билан таъминлаш ташвиши тушади.

Масаланинг шу томонини ҳисобга олган «Партия XXIV съезди» давлат хўжалигида ғишт тайёрлаш цехи қурилганди. Эргаш Умиров бошлиқ 10 нафар ишчи кунига 15—16 мингтагача ғишт тайёрлаб турибдилар. Лекин бу ҳам камлик қиляпти. Ҳозир цехни заводга айлантириш режаси тузилди. Ҳужжатлар ҳам тайёр. Қурилишни район механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари олиб боришяпти. Завод қурилишига 900 минг сўм ажратилган. Корхона келаси йилдан бошлаб йилига 10 миллион дона маҳсулот берадиган бўлади.

ШИФОХОНА-Ю ЧОЙХОНА

● Хўжаликда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳозир 60 ўринли шифохона қуриляпти. Бунёдкорлик ишларига миллион сўм ажратилган. Қурилишни вилоят 2-деҳқончилик саноати қурилиши трестининг Шавкат Носиров бошлиқ 243-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси азаматлари олиб боряпти.

Қария бор уйда — барака бор, дейишади. Қишлоқ отахонларига ғамхўрлик кўрсатиш, иззат-икромини ўрнига қўйиш мақсадида чойхона қурилди. Қурилиш ишларига 60 минг сўм сарфланди. Човкай қишлоғида барпо қилинган бундай чойхона яқин келажакда Уникки қишлоғида ҳам қурилади.

ХАЙРИЯ ҲИСОБИГА

● Қишлоқларда қўл учида кун кўрадиган, рўзғори зўрбазўр тебратадиган оилалар йўқ эмас.

Айниқса кўп болали оилалар ана шундай аҳволда. Кам даромадли бундай хонадонларга хайрия фондидан 2048 сўм ажратилган эди. Яқинда Бекмурод Боймуродов, Неъмат Аҳмедов, Ботир Бойназаровларга хайрия тариқасида сигирлар арзон нархда олиб берилди.

Давлат хўжалиги қишлоқ аҳолисига 83 бош зотли ғўнажин, 250 бош парранда, 20 бош қўй сотди. Ем-хашак билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 340 тонна силос, 300 тонна кўк масса, 250 тонна сомон, 150 тонна беда пичани сотилди.

Ж. ЮСУПОВ,
Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиги.

«ПОК БЎЛИНГ, ОДАМЛАР»

• Лавҳа •

Тошкент яқинидаги Ўнғўрғон қишлоғи. Кеч куз. Юз ёшдан ошган Хури момо уйнинг тўрида. Йиғилган меҳмонларнинг жон қулоқлари табаррук онахон насиҳатларида: «Пок бўлинг, болаларим!». Шундай дейди-ю ёнгинасида ўтирган фарзанди Ғани аканинг кифтларига қоқиб, алқайди: «Шу боламга ўхшаб пок бўлинг!».

Ҳар бир дақиқа — умр, ҳар бир қадам— ҳаёт. Умрда неча дақиқа бор, ҳаётда қанча қадам? Бу умр умидла узоқ, бу қадам қадри азиз. Йўқса ҳаётнинг мазмуни саёз, ғалвири бўш. Ғани ака ана шундай хаёлларга узоқ ошно бўлганда момосининг насиҳатларини ҳам эслаб қўяди: «Пок бўлинг, болаларим!».

У ҳаётда кўпни кўрди. Покларни ҳам, нопокларни ҳам. Яшашни ўргатувчи машаққатни ҳам кўрди у. Касбимиз шунақа, дейди. Йўқ, йўқ, ҳаётнинг ўзи шундай. Агар одам боласи бировнинг ҳақидан қўрқмаса, у ойликдан бу ойликка учма-уч яшаётганнинг ризқини қиймаса, эҳ-ҳе, машаққат йўқолармиди. Ундайлар ҳам момоларининг насиҳатларига қулоқ тутармиканлар?!

Ғани Шеримбоев 1951 йили олий маълумотли иқтисодчи гувоҳномасини олгач, меҳнат фаолиятини республика Молия вазирлигида назоратчи-тафтишчиликдан бошлади. Шу ерда илк бор амалий иш ўрганди. Бирини кўриб фикр қилди, бирини кўриб,.. Мамажон Исомиддиновга шогирд бўлди. Яхшига ёндошди. Устоз илк суҳбатини ҳалолликдан бошлади. Бу мавзуда ҳар қанча гапирмасин —эринмади. Йиллар Ғани акани синовга олди. Аввал Сирдарё районида бўйича, сўнгра навбатма-навбат Оққўрғон, Қибрай районларида, Ангрен шаҳрида назорат-тафтиш ишлари бўйича масъул бўлган кезларда устозининг йўлини тутди, насиҳатларини қулоққа илди. 38 ёшида унга юксак лавозимни ишониб топширишди — Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича бош назоратчи-тафтишчилиги анча масъулият талаб этарди. Буни қалбан ҳис этган Ғани Шеримбоев бутун тажрибаларини ишга солар экан, асосан икки нарсага урғу берди. У ҳам бўлса, пок, ҳалол шогирдлар тайёрлаш ва вақтли матбуот билан яқин алоқада бўлиш. Жойларда бўлаётган кўнгилсизликлар — хоҳ у ишлаб чиқаришда бўлсин, хоҳ савдо шоҳобчасида, ёхуд болалар муассасасида ё маиший ташкилотларда, барини матбуот орқали фош этишга ҳаракат қилди. Бошқаларни ҳушёрликка, ҳалолликка ундади. Бугунги кунда Ғани ака ўзининг Азиддин Султонов, Бахтиёр Тоҳиров, Абдулаҳат Зокиров, Саидали Расулов, Омонулла Илёсов, Альтаф Шарифуллин каби шогирдларидан кўнгли тўқ. Негаки улар устозининг насиҳатларига, ўрнак олса арзигулик босиб ўтган йўлига амал қилувчилардан.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Моддий-техника таъминоти давлат ширкат қўмитаси бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботи ва назорат бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Ғани Шеримбоев иқтисодий ишлар даражасини такомиллаштиришга, республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида давлат ҳамда молия интизомини мустаҳкамлашга ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи». «Молия хизмати аълочиси», «Халқлар дўстлиги» ордени. Фахрий ёрлиқлар... Буларнинг ҳамма-ҳаммаси Ғ. Шеримбоевнинг пок қалби амри билан иш тутганлигига берилган баҳо. Бу мукофотлар орасидан «Ўзбекистон овози» («Совет Ўзбекистони») Фахрий ёрлиғи ҳам ўрин олган. Ғ. Шеримбоев ўзининг ёзган мақолалари, фельетонлари орқали иқтисодиёт зараркунандаларига қарши курашиб, корхоналарда, ташкилоту муассасаларда молия интизомини янада мустаҳкамлашга интилганлиги кўп йиллик муштарийларга маълум.

— Мен бу соҳада қирқ йил меҳнат қилдим, —дейди Ғани ака. — Шу йиллар мобайнида виждоним буюрганини қилдим. Онамнинг «пок бўл», деган насиҳатларига қулоқ тутдим. Ҳалол, одил бўлишга ҳаракат қилдим. Бу йўлда ҳаракат қилишнинг ўзи камлик қилар экан. Ҳалол, одил бўлишга курашдим. «Тўғри гап туққанингга ёқмайди», деб бежиз айтишмайди. Менга туҳмат уюштирганлар ҳам бўлди, баъзи бировлар оёғимдан чалмоқчи ҳам бўлди. Бундай пайтда турмуш ўртоғим Соҳибахон энг яқин маслакдошим бўлди, кўнглимни кўтарди. Мен шаҳдимдан қайтмадим. Эртанги кунга ишондим, ҳақлигимга ишондим. Агар инсон эртанги кунига ишонч билан яшамаса, умрининг бир чеккаси кемтик. Бугунги кунда болаларим олдида юзим ёруғ. Олти фарзандимнинг бари олий маълумотли мутахассис бўлиб, қўлидан иш келадиган экан, мураккаб ҳаётнинг сўқмоқли йўлларида қоқилмасликларини ўйлаб, онамнинг насиҳатларини тилга оламан: «Пок бўлинг, болаларим!». Шу сўзларни ҳамма-ҳаммага айтгим келади: «Пок бўлинг, одамлар!». Негаки бу йўл минг бир чиғириқдан ўтган йўл. Сиз мухбир ука, кўп ҳам мени мақтайверманг. Мен ўз йўлимдан юрганман. Бу йўл — ўша минг бир чиғириқдан ўтган йўл.

М. КОЗИЕВ.

СУРАТДА: Ғани Шеримбоев ҳамкасб дўстлари ва шогирдлари билан.
Р. ШАГАЕВ олган сурат.

● ЖИЗЗАХ вилоятининг Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалиги бу йил пахтадан мўл ҳосил олди. Кузги шудгорлаш ишларига ҳам барвақт киришилди. Ҳозиргача жами 3 минг гектар ер шудгордан сифатли чиқарилди.

СУРАТЛАРДА: ушбу хўжаликнинг илғор механизатори Илҳомжон Ботиров, давлат хўжалиги директори Абдуваҳоб Абдувоҳидов ва звено бошлиғи Тошмурод Абдужалилов. Ўнгдаги суратда эса шудгорлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• ЁДНОМА •

ПАСТДАРҒОМ ФАХРИ

Суратда самимий кулиб турган бу инсон вилоят кишиларида яхши таассурот қолдирган эди. ...Ёш Мамарайимнинг болалиги юрт бошидан оғир пайтларни кечираётган долғали йилларга тўғри келди. Ҳамма фронтга сафарбар этилган. Қишлоқда кексалару аёллар қолишганди. Урушнинг ташвиши фронт орқасида меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳам тинкасини қуритган, дала ишлари бутунлай аёллар зиммасига тушган эди... Уруш туфайли колхозлар ҳам заифлашиб, кам қувват бўлиб қолган эди. Колхозда олти жуфт хўкиз, учта арава, саккиз от ва бир трактордан бошқа ҳеч ваҚо йўқ эди. Шундай оғир дамда 1946 йилнинг ёзида жамоа хўжалигига тажрибали деҳқон фарзанди Мамарайим Муҳаммадиев раис қилиб сайланди.

— Мамарайим ака ҳисоб-китобни яхши биладиган тажрибали деҳқон ва тадбиркор раҳбар эди, — деб хотиралайди шу колхознинг донгдор бригада бошлиқларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ниёзбиби Давлатова. — Энг муҳими, ерга яхши ишлов бериш, уни гўнгга тўйдириш зарур эди. Мамарайим ака ана шу ҳақиқатни дилига жо этиб, енг шимариб ишга киришди. 12 та далачилик бригадаси аъзоларини кеч куз ва қиш бўйи ерни маҳаллий ўғитга тўйдиришга сафарбар этди. Яхши ишлов — мўл ҳосилга гаров, деганларидек, сурункасига беш йил хўжалик миришкорлари пахта ҳосилдорлигини 29 центнердан қирқ центнерга кўтардилар.

1954 йилда жамоа хўжалиги яна йириклаштирилди. Ҳукуматимизнинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги қарори билан Олти пахса массиви ва Хончорбоғ даштига ҳужум бошланди. Қисқа муддат ичида Хончорбоғ даштидан 550 гектар янги ер ўзлаштирилиб, экин майдонига айлантирилди. Чўлга кичик канал чиқарилиб, Зарафшон суви асрий даштга оқа бошлади. Ўша йили жамоа хўжалиги пахтадан мўл ҳосил кўтаришга муваффақ бўлди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 43 центнерга етказилди. Колхоз чорва маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам юқори кўрсаткичга эришди. Гўшт, сут, қоракўл тери режалари ошириб бажарилди.

Бу соҳадаги ютуқлари учун колхоз раиси М. Муҳаммадиев икки маротаба Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медали билан мукофотланди.

— 1954—1955 йиллардаги воқеаларни жуда яхши хотирлайман, — дейди ўша йиллари пахтачилик бригадасига бошчилик қилган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хонбуви Имомова. — Раисимиз Мамарайим ака Муҳаммадиев ишбилармон, тадбиркор ва тажрибали раҳбар бўлганидан хўжалигимиз Зарафшон водийсида йирик хўжаликлардан бирига айланган эди. Колхоз бўйича ҳосилдорлик 1955 йилда 44 центнерга етказилди. Ўша йил Олти пахса массиви ва Хончорбоғ даштидан ўзлаштирилган майдонлар ҳисобига колхознинг умумий экин майдони 1290 гектарга етказилди. Ғалла шунчалик яхши бўлдики, колхозчиларнинг уйлари донга, чўн таклари пулга тўлди.

— Жуда яхши эслайман, — дейди ўша пайтларда Самарқанд шаҳридаги Давлат университетида ўқиб юрган, ҳозирги пайтда 14-мактаб директори бўлиб ишлаётган Асир Ҳайдаров, — ўша йили оиламиз бўйича тўрт киши колхоздан йигирма тонна буғдой дони ва 50000 сўм пул олган эдик. Бир бизнинг оиламиз эмас, Зоид бобо Очиловлар оиласи ҳам 40 минг сўм пул, 12 тонна ғалла олганини биламан.

1957 йили Мамарайим Муҳаммадиев раислик қилган Сталин номли (ҳозирги «Зарафшон») жамоа хўжалиги пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиб, Зарафшон водийсида номдор хўжаликлардан бирига айланди. Ўша йили райондагина эмас, ҳатто Самарқанд вилоятида ҳам унутилмас воқеа рўй берди. Сурункали эришган ютуқлари ва энг юқори кўрсаткичи учун Зарафшон водийсида биринчи бўлиб Мамарайим Муҳаммадиев раис бўлган жамоа хўжалигидан икки донгдор бригада бошлиғи: Ниёзбиби Давлатова ва Хонбуви Имомоваларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонлари берилди. Шу жамоа хўжалигидан яна беш киши Ленин ордени билан, уч киши «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, олти киши медаллар билан мукофотландилар.

Яхшидан боғ қолади дейди халқимиз. Бу бежиз эмас. Мамарайим акадан яхши ном қолди. Чунки у одамлар дарди билан яшади.

Ҳозир ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклашга интилиш кучайган, халқ учун хизмат қилган, унинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган кишиларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Қатор мактаблар, жамоа хўжаликлари, қишлоқлар, кўчалар уларнинг номлари билан юритилмоқда. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом районидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳам колхозга бир пайтлари уни гуллатган ажойиб деҳқон ва тадбиркор раис Мамарайим Муҳаммадиевнинг номини беришни таклиф этмоқдалар. Агар хўжаликка унинг номи берилса, жуда ўринли бўлар, ҳамқишлоқлар орзуси ушалар эди!

М. БОБОҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Пастдарғом райони.

ҲАМКОРЛИК МУОЛАЖАСИ

ТОМИР УШЛАБ ТАШҲИС ҚЎЯДИ

Тошкентда бир неча ойдан бери «Узманнен» Совет—Корея қўшма тиббиёт корхонаси ишлаб турибди.

● 160 хил шифобахш ўтдан дамлама тайёрланмоқда.

● Касалликни томир уриши орқали аниқлаш усули.

— Асосий мақсадимиз халқингизнинг дардига баҳоли қудрат малҳам бўлиш, — дейди шифохона бош врачи, доктор Хан Ги Сон. — Даволаш услубимиз ҳам оддий — шарқона: шифобахш ўтлардан тайёрланган дамламаларни тавсия этиш касалланган нуқталарни уқалаш (японча усул), тилла игналар билан даволаш ва ҳоказолар. Касаллик буюк аллома Ибн Сино давридагидек, томирни ушлаб кўриш орқали аниқланади. Бундай усул кўпчиликка маъқул тушмоқда. Чунки бундай усул беморни ҳафталаб тиббий кўрик, текширишларга қатнашдан халос этади.

«Нимага энди қўшма корхона учун Тошкент шаҳри танланди» деган саволимизга:

— Ўзбекистон иқлими ҳар жиҳатдан бизни мафтун этди, — деб жавоб берди у. — Биз жамоа ёки давлат хўжалиги ерларидан хом ашё базаси сифатида фойдаланишимиз мумкин. Масалан, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ўтказган тажрибамиз юқоридаги фикрни тўла тасдиқлади. 20 гектар ерга сепилган шифобахш ўт — кассий ва бошқа уруғлардан кутилганидан зиёд ҳосил олинди. Бундан ташқари, бу минтақада муолажа учун асқотадиган шифобахш ўтлар сероб...

— Кореядан қандай ўтлар келтирилган? Улар қайси касалликларга даво, — деган саволлар туғилиши ҳам табиий, албатта. Бунга жавобан айрим мисолларни келтириш билан кифоя ланамиз:

Рёндича — замбуруғ ўсимлигидан тайёрланган чой: йўталга, сурункали бронхиал астма (зиқнафас), артерия склерози, юрак-қон томир касалликларига қарши қўлланиладиган дамлама. Ўқариликнинг олдини ҳам олади.

Буллоча — ундан тайёрланган дамламани «узоқ умр чойи» ҳам деб аташади. Дамлама истеъмол қилинганда ақлий ва жисмоний чарчоқлик тез йўқолади. Хотира ўткирлашади. Тетиклик, қувват бахш этади. Организмнинг ички аъзоларини, шу жумладан, жинсий фаолиятни мустаҳкамлайди.

Гинкго — бу ўсимлик баргидан дамланган чой қон босими юқори, турли юрак хасталикларига чалинган кишилар учун тавсия этилади.

Корёкулсам — рак, гепатит, ошқозон-ичак, камқонлик (анемия), юрак касалликларини даволашда, жинсий заифликда, хотира сустлашганда истеъмол қилинади.

Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо юқоридаги номдагича ўхшаш шифобахш ўтлар сони 160 хилдан ошади. Ҳозирча Корея Халқ Демократик Республикасидан келтирилган дори-дармонлар миқдори икки тоннани ташкил этади. Улар орасида церроз, бўғинлар яллиғланиши, шол, фалаж, бод, нурланиш, ошқозон яраси, қанд касаллиги, бавосил каби хасталикларни даволашга мўлжалланган ўтлар ва дори-дармонлар мавжуд. Булардан ташқари, уйқусизликни бартараф этишга, семизликни йўқотишга, тўкилган сочлар ўрнини тиклашга хизмат қиладиган дори-дармонлар сероб.



1. Шифокор Ким Ха-Ен беморнинг томир уришини кўриб, касаллик турини аниқламоқда.
2. «Узманнен» қўшма корхонаси биносининг ташқи кўриниши. Илгари бу маскан «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг профилакторийси ва турли маданий тадбирлар ўтказадиган жойи бўлганди.
3. Игна билан даволовчи шифокор Пяк Ман-Су муолажа устида.

Суратқаш А. МАЛЬЦЕВ.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳозирча 33 хил ўтдан тайёрланган дамламалар хоссасини атрофлича текшириб кўрди, уларнинг бирон тасидан ҳам хлороорганик ёки фосфороорганик пестицидлар топилмаганини қайд этди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, демак, ўсимликлар парваришида кимёвий (заҳарли) моддалардан мутлақо фойдаланилмаган. Демак, табиий иқлим шароитида ўстирилган гиёҳлар киши организми учун фақат малҳам вазифасининг ўтайди, холос. Қўшма корхона ташкил этилгандан буён мазкур шифохонага мурожаат қилган салкам 18 минг нафар киши ичига албатта, ўтлардан қандай фойдаланиш лозимлиги ҳақида тавсияномалар солинар экан. «Шарқ терапевти» деб ёзилган хона эшигидан ички кирганимизда С. исмли болани тилла игна билан даволашарди.

— Беш йилдан бери ўрнини хўл қилиб қўяётган бу бола ҳам ҳадемай безовта бўлмай ухлайдиган бўлади, — деди бош врач ўринбосари Георгий Леонтьевич Ким. — Чунки бундай болалар бизнинг муолажамиздан кейин касалликдан юз фоиз фориғ бўлмоқдалар. Шунингдек, бот ва асаб хасталикларига чалиниб, бизда даволанаётган беморларнинг кўпчилигидан ҳам миннатдорчилик хатлари оляпмиз. «Шарқ гигиенаси» бўлимига дастлаб кўз ёшв билан мурожаат қилган ўнлаб бефарзанд навжувонлар эндиликда ҳомиладорлик таътилида эканликларини маълум қилмоқдалар.

Асаб касалликлари мутахассиси бизнинг иштирокимизда 50 ёшлар атрофидаги Х. исмли кишини қабул қилди. Салом-аликдан сўнг ўнг қўли, кейин чап қўли томирини бир неча сония ушлаб кўрди. Кейин пешона икки томонидаги мия томирларига бармоқларини теккизиб турди. Энгак ости безлари ва тил устки қисмини текширди. Сўнгра қўлида қалам-қоғоз билан таржимага тайёр турган тилмочга юзланди:

— Қон босими кўтарилибди, аниқроғи икки юз атрофида. Сўраб кўрингчи, боши қаттиқ оғриётган бўлиши керак.

— Ҳа, худди шундай, — деб жавоб берди бемор.

— Буйрак хасталигидан кўп безовта бўлар экансиз?

— Ҳа.

— Ошқозонингиз ҳам баъзан оғриб тураркан.

— Шундай.

— Қон босимингиз асосан буйрак хасталигидан. Биз аввало ишни буйракни даволашдан бошлаймиз.

Қабулга кирган иккинчи кишининг кўриниши 60 ёшлар атрофида эди. Уни ҳам аввалгидек усулда, лекин бошқа шифокор кўриб чиқди. Бир зумда хулоса ҳам тайёр эди.

Биз вақти келиб ҳозир шифокор қабулида бўлган кишиларнинг қандай даво олганликларидан муштарийларни хабар қилишни кўнгилга тугиб қўйиб, игна муолажаси бўлимига ўтдик.

— Мен Тошкент районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлайман, — деб ўзини таништирди Маҳмуджон Қорабоев, — белим, оёқларим оғрир эди. Туз бор, дейишди. Бугун ўнинчи кун келишим. Оғриқ кескин камайди.

Шунга ўхшаш корейс мутахассислари шаънига билдирилган илиқ сўзларни Наманган вилояти Косонсой районида яшовчи Самарахон Каримов, Жиззах вилоятидан Нормуҳаммади Худойбердиев, Тошкентдаги 3-автокомбинат директори Жўра Ҳожибоев ва бошқа кўплаб фуқаролардан эшитишга тўғри келди. Улар орасида бу ерга қўлтиқ таёқ билан келиб, муолажалардан кейин ўз оёғи билан юриб кетганлар ҳам оз эмас.

Айни пайтда республикамизда турли касалликларга чалинаётганларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш истагини билдираётган мамлакатлар шугина эмас. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида Совет — Хитой тиббий қўшма корхонаси ишлаяпти. Улар фақат беморларни даволашгагина эмас, балки дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган корхона қуриб беришга ҳам тайёрдирлар. Шимолий Кореянинг «Узманнен» корхонаси ташкилотчи-мутахассисларининг мақсади шу. Ҳамкорлик шартномасини имзолаган иккинчи томон — Ўзбекистон Маҳалий саноат вазирлиги билан «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг нияти ҳам шундай бўлган. Бироқ шартнома мажбуриятларининг айрим шартлари кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Бош врачнинг айтишича совун, ювиш порошоклари, дока, бинт каби зарур нарсалар шифохонада етишмайди. Тиббий спирт жуда кам ажратилмоқда. Республика «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ўзида бор нарсаларни беришга рози, лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги бунга рухсат бермаяпти. Айрим камчиликларни бартараф этиш пайтида сантехник, электрикларни излаб топиш қийин. Энг ачинарлиси, авария содир бўлгани сабабли бино иситилмаяпти. Совуқ хоналарда беморларни қабул қилиш мумкин эмаслиги учун корейс мутахассислари шаҳар шифохоналаридан жой излашга киришдилар. Бу — иситгич қувурлари таъмирлангунча корхона ишламайди, дегани. Баъзи мутахассислар ишсиз қолишлари ҳам мумкин. Кореядан келтирилган ускуна-жиҳозлар ҳисобига қурилаётган дори-дармонлар ишлаб чиқариш корхонаси ноябрда фойдаланишга топширилиши керак эди. Бироқ қурилиш ускуналари танқислиги сабабли у кейинга сурилиб кетди.

Яна бир муаммо — меҳмон-шифокорлар шахсий уйларда ижарада яшамоқдалар. Уларни бир жойга тўплаш ва автотранспорт билан ёрдам бериш масаласи ижобий ҳал қилинса кўнгилдагидек иш бўларди.

Кореяликлар корхонага ўрнатилган икки телефон аппарати қачон ишга туширилишини ҳам сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Хуллас, шарқ усулида даволаш усталарига жуда кўп нарса керак эмас. Бир маромда ишлашлари учун шароит яратиб берилса бас. Булар биринчи навбатда шифокорлар учун эмас, балки меҳнаткашлар учун зарур. Зотан, уларнинг асосий мақсади одамларни даволаш, дардига малҳам бўлишдир.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИККС

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ УМУМИЙ ИШИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг бирон-бир маҳсулотни — ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси
уларни ўз зиммасига олишга тайёр.

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаси, Россия деҳқончилик биржасида, «Санкт-Петербург» биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, «ТОШКЕНТ» универсал мол биржасида, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек **«БИККС-АЛИНА»**, турли биржалардаги яна 18 та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда **«БИККС-АЛИНА»** фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олдисотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажрибали брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишимизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент—146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

ТОШКЕНТДАГИ телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

ТОШКЕНТДАГИ телефакс: 8-3712-90-41-97.

«БИККС» УЮШМАСИ.

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ— ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ — АЪЛО КАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР.

Агар сиз хизмат хонангизга, қаҳвахона ёки концерт залингизга замонавий ва ўзига хос қиёфа бағишламоқчи бўлсангиз, «БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Биз турли-туман манзарали пардозлаш материалларидан қуйидагиларни таклиф қиламиз:

темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари;
тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;

ўзига хос шаклдаги ШАМЧИРОҚЛАР. Улар девор ва шипларнинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тўшагим, дейишди. Аминмизки, «БИККС-АЛИНА» фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар Сизга ғоят ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент—146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.
Тошкентдаги телефакс: 8-3712-90-41-97.

«БИККС» УЮШМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

МИНГ ҚЎШЧИГА БИР БОШЧИ

«Агар ҳамма раҳбарларимиз ҳам Озод Саидовдек тадбиркор, елиб югурувчи, эл-юрт учун жон куйдирувчи бўлганида эди, билмадик, кўп жой обод бўлиб кетармиди.

— Э, нимасини айтасиз, бўстонга айланарди.

— Отасига минг раҳмат у кишининг»...

Бу сўзларни Бешкент шаҳрининг Бодомзор маҳалласида бўлганимда қариялардан эшитдим.

Ҳозирги мураккаб шароитда одамлардан раҳбарлар шаънига бундай илиқ гап-сўзларни эшитаётганингга ҳам гумонсираркансан киши. Негаки, амалга оширилган ишлар кўзга кўрингандагина тан олинади, шундан сўнггина унинг ижодкори ҳақида илиқ гап бўлади. Ҳар ишни эплаш, бирор тадбирни рўёбга чиқариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, ахир.

Эсимда, мен Озод Авлиёқулович Сандов ҳақидаги ажойиб фикрларни ўтган халқ депутатлари сайлови даврида ҳам эшитгандим. Унинг номзодини кўпчилик жумҳурият халқ депутатлигига кўрсатмоқчи бўлганди. Афсуски, бу хайрли иш маҳаллий маъмурларнинг қаттиқ қаршилигига учраб, рўёбга чиқмай қолганди, ўшанда. Аммо у депутат бўлмадим. энди менга барибир, деб қўл силтамади, аввалги иш маромини сусайтириб қўймади. Аксинча, эл хизматига янада жиддий киришди. Ўзи етакчилик қилаётган «Узсантехгазмонтаж» нинг Қарши механизациялашган кўчма колоннаси фаолиятини янада жонлантирди. Ўтган йилдан бери бу меҳнат жамоасининг куч-ғайрати билан Бешкентга 7,5 километр, Потрон қишлоғига 8 километр қувур ётқизилиб, тоза ичимлик суви келтирилди. Қарши районидаги «Аврора» давлат хўжалигига 4 километрлик, Косон районидаги Свердлов номли давлат хўжалигига 12 километрлик масофада водопровод қувури тортилди. 3 километр қувур орқали Бешкент шаҳрининг бир неча хонадонларига табиий газ келтирилди.

Қарши райони марказий шифохонаси, Яккабоғдаги қариялар уйи, Китоб районидаги сил касалликлари шифохонаси, болалар сил касалликлари санаторийсида таъмирлаш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Шунингдек, қўли гул сантехниклар Ғузор районидаги Охунбобоев, Ойбек, Калинин ва Муқимий номли мактабларнинг иситиш тизимларини созлаб бердилар. Хуллас, жумҳурият Президентининг қишлоқларга ичимлик сув ва табиий газ келтириш ҳақидаги Фармонини кўчма колонна коллективи ўзи учун дастуриламал, деб билишди. Унинг амалга ошиши жамоанинг доимий эътиборида бўлди.

Мана, унинг катта коллективга раҳбарлик қилаётганига ҳам ўн йил бўлаяпти. Шу давр ичида Қашқадарё вилояти шаҳар ва қишлоқларида бирмунча ободончилик, газ, сантехника ишларини амалга оширди.

Диққатга сазовор жиҳати, меҳнатсевар коллектив ҳар йили вилоят шаҳар ва қишлоқларида 3 миллион 200 минг сўм атрофида газ-сантехник қурилиш-монтаж ишларини бажараётир. Меҳнат унумдорлиги юқори. Соф фойда ҳам шунга ҳамоҳанг. Шу сабабдан яқинда вилоят ва шаҳар меҳр-шафқат фондларига 6 минг сўм миқдорда маблағ ўтказилди.

Албатта, бу хайрли ишларда кўчма колонна бошлиғи Озод Сандовнинг ҳам муносиб хизмати бор. Бундай ғайратли, эл ташвиши учун тиниб-тинчимайдиган ишбилармон кишилар бор бўлсин, ҳар қандай юмуш эпини келтирадиган эпчиллар сафи кенгаяверсин.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ҳодиса*

«ОЙНА» ОПЕРАЦИЯСИ

Навоий станцияси яқинида «Андижон—Душанбе» поезди тошбўрон қилинди. Милиция ходимлари тез орада «безориларни» қўлга туширдилар. Улар ўсмирлардан Э. Валиулин ва А. Пахриддиновлар экан.

Ёш йигитлар ўзларининг бу хатти-ҳаракатларини «узоққа отиш ва тўғри нишонга олиш учун машқ қилиш» деб изоҳладилар. Бу «ўйин» учун уларнинг ота-оналари вагонларнинг синдирилган ўнта ойнаси ҳисобига жарима тўлашга мажбур бўлдилар, иш иститқомат жойидаги балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга юборилди.

Афсуски, ёш безориларни қўлга туширишда, вагонлардаги ойналарнинг синиши кўпаймоқда. Вазият кескинлашганлиги муносабати билан Бухоро темир йўли милиция бўлими ва жамоатчилик «ойна» комплекс операциясини ўтказмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

● МАЪЛУМКИ, футбол бўйича жаҳон чемпионати энг йирик спорт анжуманларидан ҳисобланади. Мухлислар чемпионлик учун қураш иштирокчиларини, энг қизиқарли учрашувларни, ажойиб тўпурарларни фахр билан эслаб юрадилар ва ён дафтарларига қайд қилиб борадилар.

Ишқибозларни яна ҳаяжонга соладиган дамлар яқинлашмоқда. Жаҳон чемпионатининг навбатдагиси Америка Қўшма Штатлари шаҳарларида ўтиши кўпчиликка аён. Яқинда Нью-Йорк шаҳрида жаҳон чемпионатида иштирок этувчи мамлакатлар ўртасида қуръа ташланди. Биринчилик учун курашда бу гал 143 мамлакат иштирок этиши маълум бўлди. Шундан 141 мамлакат футбол жамоаси дастлабки босқич — саралаш учрашувларида қатнашиб, ҳал қилувчи баҳс ўйинларига йўлланма олиш учун курашадиган бўлиб турибди. Саралаш учрашувлари мобайнида 22 финалчи аниқланиши мўлжалланмоқда. Охирги жаҳон чемпионатининг ғолиби — Олмония терма жамоаси билан навбатдаги биринчилик эгалари — АҚШ футболчилари саралаш ўйинларисиз финалга йўлланма олишлари кўзда тутилди.

Европа мамлакатлари футбол жамоалари 6 гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳдан икки финалчи аниқланиб, жами 12 жамоани ташкил этади. Мустақил давлат бўлиб олган Болтиқбўйи республикалари ҳам биринчи марта жаҳон чемпионатида алоҳида жамоа бўлиб қатнашадиган бўлишди. Жумладан, Эстония футболчилари биринчи гуруҳга киритилган Италия, Шотландия, Португалия, Швейцария, Мальта мамлакатлари билан саралаш ўйинларини ўтказади. Литва ва Латвия футболчилари эса учинчи гуруҳга киритилган Испания, Ирландия, Дания, Шимолий Ирландия ва Албания футбол жамоалари билан майдонга тушадиган бўлишди. Суверен Давлатлар Иттифоқи номини олиб турган СССР терма жамоаси эса бешинчи гуруҳдаги мамлакатлар, хусусан, Югославия, Венгрия, Греция, Исландия, Люксембург футболчилари билан финалга чиқиш учун ўзаро куч синашадиган бўлди.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати ҳамда электроника ва автоматика қуллиёти жамоалари «Электротехниканинг назарий асослари» таҳсилгоҳи доценти **Шавкат Акбарович ШАРИПОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Физика-техника илмгоҳи илмий ходими А. Комиловга онаси **Жононхон КОМИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва микробиология кафедраси жамоаси, микробиология кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди З. А. Абдумаликовага онаси **Зивайда НИЯЗМУҲАМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси кекса санъаткор, Ўзбекистон Халқ артисти **Ойша МАВЛОНОВАнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият Телекўрсатув жамоаси телеоператор О. Жаҳпаровга отаси **Каримжон ЖАҒПАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт илмгоҳи жамоаси илмий ходим Р. Баракаевга отаси **Барака бобо САФАР ўғлининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер **Иван Николаевич ВОЛКОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Илига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 239.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.40 Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.